

Ғуслнинг ҳикмати



13:30 / 08.12.2019 3558

«Ғусл» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизиш деган маънони англатади.

Шариатда эса Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳаммасига сув оқизишга айтилади.

Ғуслнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало у ибодат, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарс.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлиқ учун ўта муҳим омилдир.

Қолаверса, ғуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган ғусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

فَاَطْهَرُوا جُنُبًا كُنْتُمْ وَإِن

Аллоҳ таоло:

«Агар жунуб бўлсангиз, бас, покланинг», деган (Моида сураси, 6-оят).

تَغْتَسِلُوا حَتَّىٰ سَبَّيْلُ عَابِرِيْهَا لَا جُنُبًا وَلَا

Ва яна:

«Ва жунуб ҳолингизда, то ғусл қилмагунингизча (масжидда турманг) магар йўлдан ўтсангиз», деган. (Нисо сураси, 43-оят)

«Жунуб» сўзи луғатда «четда турувчи» деган маънони англатади.

Шариатда эса жинсий яқинлик, уйқуда булғаниш ва бошқа сабабга кўра маний чиқариб, ғусл вожиб бўлган шахсга нисбатан айтилади.

Ғусл вожиб бўлган одам намоздан, Қуръондан, масжиддан ва шариат кўрсатган бошқа нарсалардан четда бўлганлиги учун ҳам «жунуб» номини олган.

Биринчи оятда жунуб бўлган одам покланиши, яъни ғусл қилиши вожиблиги таъкидланмоқда.

Иккинчи оятда эса жунуб одам ғусл қилмагунча масжидда тура олмаслиги, магар ғусл қилиш учун ўтишга бошқа йўл бўлмаса, масжид орқали ўтиши мумкинлиги ҳақида сўз бормоқда.

Демак, жунублик одамнинг баъзи бир нарсалардан четда туришига сабаб бўлар экан.

سَلَجَ إِذْ لَأَقْمَلَسُو هَلْ لَعَلَّ صِيَّبِن لَأَعُ، هُنَّ لَأَيضَرَّ رِيَّ بَأَنَع
يَفَوْ لَزُنِّي مَلْنِ أَوْ نِيَّ أَوْ لَسُ عِلَّ بَجَّ وَ دَقَفَ أَدَهَجَّ مُثَغِبَّرَأَلْ أَوْ بَعُ شَنْ نِيَّ ب
يُذِمَّرْتَلْ أَلْ إِسْمَ خَلَّ أَوْ رِنَ أَلْ خَلَّ أَلْ سَمَّ وَ: يَخُ أ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки у (эр) у(хотин)нинг тўрт мучаси (қўл-оёғи) орасига ўтирса ва унга яқинлик қилса, батаҳқиқ, ғусл вожиб бўлади», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Агар тўкмаса ҳам», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойга тегса», деганлар.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бу ҳадисда ғуслни вожиб қилувчи сабабларнинг энг асосийси ҳақида сўз юритилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жинсий яқинликни англатувчи сўзни очиқчасига айтмай, пардали тарзда баён қилмоқдалар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Жинсий яқинликдан кейин эрга ҳам, хотинга ҳам ғусл вожиб бўлади.
2. Жинсий яқинликда маний тўкилишининг ғусл вожиб бўлишига алоқаси йўқ. Жинсий алоқа бўлдими, маний тушса ҳам, тушмаса ҳам ғусл вожиб бўлаверади. Бу «Агар туширмаса ҳам» деган жумладан билинади.
3. Ғусл вожиб бўлиши учун эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойига тегса бўлди. Иссиқ минтақаларда, хусусан, араб юртларида қизларни ҳам хатна қилиш одати бор. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Уламоларимиз «Эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегиши учун эркак аъзосининг бош қисми аёл аъзосига кириши керак», дейдилар. Ана шу ҳолат юзага келганида икковларига ҳам ғусл вожиб бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан